



Ислом Нури

Сухайб розияллоху анхудан ривоят килинадики, Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам айтдилар: «Сизлардан олдин яшаб ўтганларда бир шоҳ бўлиб унинг хизматида бир сеҳргар бор эди. *(Изоҳ: Бу шоҳ золим эди. У ўзини роб-худоман деб даъво киларди. Ўзига бўйсунмаган кишиларни сеҳргари билан кўркитар эди)*. У сеҳргар қариб қолгач шоҳга деди: “Энди мен қариб қолдим. Менга бирон бир зукко гулом-ёш болани юборинг, мен унга сеҳрни ўргатай”. Шоҳ бир гуломни сеҳр илмини ўрганиши учун унинг хузурига юборди. Гулом сеҳргарнинг уйига бораётганида бир роҳиб (ибодат учун узлатга чиққан одам)нинг олдидан ўтар эди. Қунларнинг бирида гулом роҳибнинг олдида ўтириб, унинг сўзларини тинглади ва бу сўзлар унга ёқиб қолди. Шундан кейин ҳар гал гулом сеҳргарга бораётганида шу роҳиб олдида тўхтар ва у билан ўтирар эди. Сеҳргарнинг олдида келганида эса, сеҳргар уни кеч қолгани учун урар эди. Гулом буни роҳибга шикоят қилди. Роҳиб унга: “агар сеҳргардан кўрксанг, мени уйда ушлаб қолишди, дегин. Уйдагиларингдан кўрксанг, мени сеҳргар ушлаб қолди, деб айт”, деди.

У мана шу зайдда бориб келар эди. Қунларнинг бирида унинг йўлидан қатта бир хайвон чиқиб қолди. Бу хайвон одамлар йўлини тўсиб қўйиб, уларни ўтишга қўймаётган экан. Гулом ўзига ўзи деди: “Бугун мен қим аззалроқ эканлигини билиб оламан, сеҳргарми, роҳибми?”. Сўнгра у қўлига бир тошни олиб: “Эй Аллох, агар Сенга роҳибнинг ишлари сеҳргарнинг ишларидан кўра севиқлироқ бўлса, бу хайвонни ўлдир ва одамлар бемалол ўтиб кетсинлар!”, деб тошни хайвонга отди ва хайвон шу захоти ўлди. Одамлар йўлларида давом этдилар. Кейин гулом роҳибга келиб бўлган воқеанинг хабарини берди. Роҳиб унга деди: “Ўғлим, бугун сен мандан ўзиб кетдинг, чунки мен сен етган мартабангни кўрмоқдаман. Шубҳасиз, сен яқин қунларда синовларга дуч келасан. Агар синовларга дуч келсанг мени (устозинг



Ислом Нури

эканлигимни) айтиб кўйма”.

Гулом тугма кўр, мохов (пес) ва бошка касалликларни даволай бошлади. Бу нарса шохнинг якин (аъён, вазир)ларидан бўлган кўзлари кўр бўлиб колган киши эшитиб колди. У кўпгина совгалар олиб, гуломнинг олдига келиб айтдики: “Агар сен менга шифо берсанг, мана буларнинг барчаси сеники бўлади”. Гулом унга жавобан деди: “мен хеч кимга шифо бера олмайман - шифони факат Буюк Аллохгина беради. Агар сен Аллохга иймон келтирсанг, мен Аллохга дуо киламан, сенга шифо беради”. Шунда у Аллохга иймон келтирди ва Аллох Таоло унга шифо берди. Кейин эса у одатига кўра шохнинг хузурига келиб ўтирди. Шох ундан: “Ким сенинг кўзингни очди?” деб сўради. У: “Роббим” деди. Шох: “Нима, сенинг мендан бошка хам Роббинг борми?” деб сўради. У: “Менинг Роббим ва сенинг Роббинг - Аллох”, деди. Шунда шох уни ушлаб каттик кийночка солди ва ниҳоят у гуломни айтиб кўйди. Гуломни шох олдига келтирилди. Шох унга деди: “Эй ўнгилгинам, сен сеҳр илмида шу даражада кучайибсанки, тугма кўрларни ва моховларни даволаётган эмишсан. Бунга жавобан гулом деди: “Мен хеч кимга шифо бера олмайман - факатгина Буюк Аллох шифо беради”. Шунда шох уни азоблай бошлади. Азоблайверди, азоблайверди ва ниҳоят у роҳибни айтиб кўйди.

Кейин унинг олдига роҳиб келтирилди ва унга: “Динингдан кайт!” дейилди. У эса рад килди. Шунда подшоҳ аррани олиб келишни буюрди, аррани роҳиб бошининг ўртасига кўйишди-да, арралай бошладилар хаттоки роҳиб иккига бўлиниб ерга кулади. Шундан сўнг шох хузурига унинг (кўзи очилган) якинини олиб келишди. Унга хам: “Динингдан кайт” деб айтилди. Бирок у хам рад этди. Шунда аррани унинг боши ўртасига кўйиб, токи унинг танаси иккига бўлиниб ерга тушгунича арралашди. Сўнгра шох олдига гулом келтирилди ва унга



Ислом Нури

хам: “Динингдан кайт!” дейилди. У хам бош тортди. Шунда шоҳ бир нечта хизматчиларига уни топшириб: “Фалон токка уни олиб чикинглар ва чўккисига етганингларда, агар у динидан кайтса кайтди, йўкса, уни пастга ташлаб юборинглар!” деди.

Улар гуломни айтилган жойга олиб боришди ва уни токка олиб чикишди. У: “Эй Аллох, Ўзинг хоҳлаган нарса билан мени улардан куткар!” деди. Шунда тоғ силкиниб улар пастга кулаб тушишди. Гулом эса шоҳ олдига келди. Шоҳ сўради: “Сен билан бирга бўлганларга нима килди?” Гулом айтдики: “Буюк Аллох мени улардан куткарди!” Шунда шоҳ бошка хизматчиларига уни топшириб: “Уни кемага ўтказиб денгиз ўртасига олиб боринглар. Агар у динидан кайтса кайтди, йўкса уни сувга ташланглар!”, деди. Улар уни буюрилган жойга етказишди. У ерда гулом дуо килди: “Эй Аллох, Ўзинг хоҳлаган нарса билан мени улардан куткар!” Шу пайт кема ағдарилди ва шоҳ хизматчилари чўкиб кетдилар. Гулом эса яна шоҳ олдига келди. Шоҳ: “Сен билан бирга бўлганларга нима килди?” деб сўради Гулом жавоб берди: “Аллох таоло мени улардан куткарди!”, сўнгра шоҳга айтдики: “Мен сенга буюрадиган ишни килмагунингча, мени ўлдира олмайсан!” Шоҳ сўрадики: “У нима экан?” Гулом жавоб берди: “Одамларни бир майдонда йиг, мени дарахт танасига богла. Кейин эса менинг ўкдонимдан бир дона ўкни олиб камон (ёй) ўртасига кўйиб: “Шу гуломнинг Роббиси бўлмиш Аллох номи билан!” деб айтиб от. Ана шундагина сен мени ўлдира оласан.

Подшоҳ одамларни кенг бир майдонга йигиб гуломни дарахт танасига боглади, унинг ўкдонидан бир дона ўкни олди, камоннинг ўртасига кўйиб: “Шу гуломнинг Роббиси бўлмиш Аллох номи билан!”, деб айтиб отганди, ўк (гуломнинг) чаккасига тегди. У чаккасини ушлаб ўлди. Шунда одамлар: “Биз гуломнинг Роббисига иймон келтирдик!”, “Биз



Ислом Нури

гуломнинг Роббисига иймон келтирдик!”, “Биз гуломнинг Роббисига иймон келтирдик!” дейишди. Сўнгра шохнинг олдига аъёнлари келиб: “Ана энди нима дейсиз?! Аллохга касам ичиб айтамикки, сиз эҳтиёт бўлган иш юзага келди – одамлар иймон келтиришди!” дейишди. Шунда шох шаҳар дарвозалари олдида чуқур хандаклар казишни буюрди. Хандаклар казилиб, ичларига ўтлар ёқилди. Сўнгра шох: “Ким динидан кайтмаса, уни ўтга ташланглар!” деди. Миршаб (мелиса)лар унинг буйругини астойдил бажаришга киришдилар. Навбат кўлида ёш гўдаги бор бир аёлга келганда у аёл ўтга тушишдан ўзини олиб кочди, шунда гўдак тилга кириб унга деди: “Онажон, сабр килинг, албатта, сиз ҳақ узрасиз!”

Имом Муслим ривояти

Ушбу тарихий киссадан куйидаги фойдаларни олишимиз мумкин:

1. Бирон киши ҳақ динни таълим олаётган бўлса, бунга унинг уйдагилари ва бошқалар қарши бўлсалар уларга то улар бу ҳақни тушунгунларигача ёлгон сўзлашининг мумкинлиги. Буни роҳибнинг ушбу сўзларидан олинади: *«Роҳиб унга: “агар сеҳргардан кўрксанг, мени уйда ушлаб қолишди, дегин. Уйдагиларингдан кўрксанг, мени сеҳргар ушлаб қолди, деб айт”.*

2. Оллох таоло солих кишиларни яхши кўриши ва сеҳргар, фолбин ва азайимхонларнинг ишларини ёқтирмаслиги. Буни гуломнинг ушбу сўзларидан олинади: “Эй Аллох, агар Сенга роҳибнинг ишлари сеҳргарнинг ишларидан кўра севиклироқ бўлса, бу хайвонни ўлдир ва одамлар бемалол ўтиб кетсинлар!”, деб тошни хайвонга отди ва хайвон шу захоти ўлди.”



Ислом Нури

3. Мўъмин иймонига ва амалига яраша мусибатларга мубтало бўлади. Буни роҳибнинг гуломга айтган мана бу сўзларидан олинади: “Ўғлим, бугун сен мендан ўзиб кетдинг, чунки мен сен етган мартабангни кўрмоқдаман. Шубҳасиз, сен якин кунларда синовларга дуч келсан».
4. Кишининг бошига кийинчиликлар тушганда ҳакни ўргатган устозлари ва биродарларини айтиб кўймаслик. Буни ҳам роҳибнинг сўзидан олинади: «Агар синовларга дуч келсанг мени (устозинг эканлигимни) айтиб кўйма”.
5. Киши мен ундай кила оламан, бундай кила оламан демаслиги балки, агар Оллох мени буларга кодир қилсагина кила оламан деб ишнинг барчасини Оллохга қайтариши кераклиги. Чунки биз фақат Оллох хоҳлаган нарсанигина Унинг мадади билан кила оламиз. Буни гуломнинг мана бу сўзларидан олинади: *«мен ҳеч кимга шифо бера олмайман – шифони фақат Буюк Аллохгина беради».*
6. Киши золимлар кўлига тушиб қолса ва улар уни динидан қайтармоқчи бўлсалар, улардан қутулиш йўли қолмаса жонни фидо қилиш. Бу роҳиб ва кўзи очилган шохнинг яқини қилган ишдан олинади: *“Динингдан қайт!” дейилди. У эса рад қилди. Шунда подшоҳ аррани олиб келишни буюрди, аррани роҳиб бошининг ўртасига қўйишди-да, арралай бошладилар хаттоки роҳиб иккига бўлиниб ерга кулади».*
7. Оллохга ихлос билан дуо қилинса албатта Оллох таоло дуони ижобат қилади. Бунга гуломнинг дуолари далилдир: *“Эй Аллох, Ўзинг хоҳлаган нарса билан мени улардан қутқар!”*
8. Оллох йўлига чакирувчи даъватчи иложи бўлса хаттоки ўлими



Ислом Нури

билан ҳам кўпчиликнинг хидоятига сабабчи бўлсин. Бу ҳам гуломнинг ўлимида акс этгандир: *«Подшоҳ одамларни кенг бир майдонга йиғиб гуломни дарахт танасига боғлади, унинг ўқдонидан бир дона ўкни олди, камоннинг ўртасига кўйиб: “Шу гуломнинг Роббиси бўлмиш Аллох номи билан!”*, деб айтиб отганди, ўк (гуломнинг) чаккасига теғди. У чаккасини ушлаб ўлди. Шунда одамлар: *“Биз гуломнинг Роббисига иймон келтирдик!”*, *“Биз гуломнинг Роббисига иймон келтирдик!”*, *“Биз гуломнинг Роббисига иймон келтирдик!”* дейишди.»

9. Агар подшоҳ золим бўлса унинг атрофидагилари ундан кўра маккоррок бўлишлари: *«Сўнгра шохнинг олдига аъёнлари келиб: “Ана энди нима дейсиз?! Аллохга касам ичиб айтамизки, сиз эҳтиёт бўлган иш юзага келди – одамлар иймон келтиришди!”*

10. Тарихда ҳам золим подшоҳларнинг ёрдамчилари миршаблар экани: *“Ким динидан кайтмаса, уни ўтга ташланглар!”* деди. *Миршаб (мелиса)лар унинг буйругини астойдил бажаришга киришдилар».*

11. Ёши катта аклли кишилар гоҳида хакикат билан нохаклик ўртасини ажратолмай иккиланиб колганларида ёш-гўдаклар уларга ҳақ нималигини таъкидлаб, тушунтириб кўйишларининг мумкинлиги ва «хамиша ота-боболарники тўғри ёшларники хато» деган коиданинг хатолиги: *«Навбат кўлида ёш гўдаги бор бир аёлга келганда у аёл ўтга тушишдан ўзини олиб кочди, шунда гўдак тилга кириб унга деди: “Онажон, сабр килинг, албатта, сиз ҳақ узрасиз!”*

Оллох таоло барчаларимизга фойдали илмлар ато этсин!